

Навоий вилояти

17-1-2022 й.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-375-моддаларига мувофиқ ушбу шартнома бир томондан Ўсимликлар карантини давлат хизмати тизимининг (кейинги ўринларда – «ИНСПЕКЦИЯ»), бошқа томондан жисмоний / юридик шахс («БУЮРТМАЧИ») нинг куйидагилар тўғрисидаги таклифидир:

### 1. Умумий қондалар

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 370-моддасига мувофиқ агар қуйида кўрсатилган шартлар қабул қилиниб, хизматлар учун тўлов амалга оширилса, қабул қилувчи юридик ёки жисмоний шахс Буюртмачига айланади.

2. Буюртмачи томонидан Оферта шартномасини тўлиқ ва сўзсиз қабул қилиш (таклифни маъқуллаш) пайтида зарарсизлантириш бўйича хизматлар қийматининг 100% и тўланади.

3. Буюртмачи Оферта шартномаси (кейинги ўринларда - Шартнома) шартлари билан танишганидан сўнг, Шартномада кўрсатилган суммани тўлайди.

4. Буюртмачи Шартномани белгиланган тартибда қабул қилиб, Шартнома матнида келтириб ўтилган шаклдаги барча шартлар билан танишиб чиққанлигини, рози бўлганлигини ҳамда тўлиқ ва сўзсиз қабул қилганлигини тасдиқлайди.

5. Буюртмачи ушбу ҳужжатнинг 2-бандида кўрсатилган тартибда Шартномани қабул қилади ва унда белгиланган шартлар асосида Шартнома тузилишига розилик билдиради.

6. Шартнома бекор қилинмайди.

7. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-375-моддалари ва «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги, «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига мувофиқ Шартномада Буюртмачининг муҳри ва / ёки имзоси талаб этилмайди ҳамда шунга асосан ўз юридик қучини сақлаб қолади.

### 2. Шартнома предмети

8. Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги қонунига мувофиқ карантин остидаги маҳсулотларни етиштириш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, қайта ишлаш ҳамда реализация қилиш билан шуғулланувчи давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, юридик ва жисмоний шахслар:

Инспекция назорати остида текширишга (кўздан кечиришга) ва ўсимликлар карантини объектларига қарши курашишга доир ишларни, шунингдек ушбу карантин объектлари тарқалишининг олдини олишга доир тадбирларни амалга ошириши;

хорижий мамлакатлардан ва Ўзбекистон Республикасининг ўсимликлар карантини остида деб эълон қилинган ҳудудларидан карантин остидаги маҳсулотни олиб киришда ўсимликлар карантини қондаларига риоя қилиши;

тегишли юқлар сақланадиган омборхоналарда ҳар йили камида бир марта профилактик фумигация ишларини белгиланган тартибда амалга ошириши шарт.

9. Буюртмачи шартнома суммасини куйидаги тартибда тўлайди:

Иш номи	Шартнома суммаси
Зарарсизлантириш (фумигация)	15000000.00

10. Тўлов тартиби: Шартнома суммаси 100% олдиндан тўланади.

11. Агар шартнома суммаси тўланмаган бўлса, уни қабул қилиш тугалланмаган ҳисобланади.

12. Буюртмачи Шартнома суммасини тўлаганидан сўнг, тарафлар ўртасида зарарсизлантириш хизматларини тақдим этиш бўйича икки томонлама битим тузилган деб ҳисобланади ва Инспекция ушбу Шартнома бўйича тўланган сумма миқдори бўйича мажбуриятларга эга бўлади.

### 3. Тарафларнинг мажбуриятлари

13. Инспекция Шартнома тўланган кундан бошлаб 5 иш куни ичида объектни зарарсизлантириш мажбуриятини олади. Агар Буюртмачи ушбу Шартномага мувофиқ хизматлардан воз кечган тақдирда, тўлов суммаси тўлиқ ёки қисман ўзаро ҳисоб-китобларни солиштириш далолатномаси бўйича кўрсатилган хизматларга мутаносиб равишда қайтарилади.

14. Инспекция буюртмачидан олинган маълумотларни ошкор қилмаслик мажбуриятини олади. Амалдаги қонун талабларига мувофиқ асосли равишда маълумотни ошкор қилиш ҳолатларида мажбурият бузилган деб ҳисобланмайди.

15. Хизмат яқунлангач, Инспекция Буюртмачига хизматни тақдим этиганлигини тасдиқловчи электрон ва қоғоз шаклдаги ҳисобварақ-фактура ва зарарсизлантириш тўғрисидаги гувоҳномани тақдим этиши шарт.

#### 4. Жавобгарлик, низоларни ҳал этиш тартиби

16. Тарафлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўладилар.

17. Шартномани бажариш вақтида форс-мажор ҳолатлари: давлат ҳокимияти органларининг ҳаракатлари, ёнғин, сув тошқини, zilзила, бошқа табиий офатлар, электр энергиясининг йўқлиги, иш ташлашлар, фуқаролик урушлари, тартибсизликлар, шунингдек юқорида санаб ўтилмаган ҳолатлар билан чекланмаган ҳар қандай бошқа фавқулодда ҳодисалар юзага келиб, Шартнома шартлари бузилса, Инспекция жавобгарликдан озод этилади.

18. Инспекция Буюртмачига унинг хизматларидан фойдаланишни таъминлайдиган умумий алоқа каналлари ёки хизматларининг сифати учун жавобгар эмас.

19. Буюртмачининг Инспекция томонидан кўрсатилган хизматларга эътирози ёки шикоятлари [info@karantin.uz](mailto:info@karantin.uz) электрон почтаси орқали кўриб чиқиш учун қабул қилинади.

20. Низоли вазиятларни кўриб чиқишда Инспекция Буюртмачидан низога доир барча тегишли ҳужжатларни талаб қилишга ҳақли.

21. Тарафлар низо ва келишмовчиликлар юзага келганда судгача низоларни ҳал этиш тартибини қўллаш мажбуриятини оладилар. Агар низони судгача ҳал қилишнинг имкони бўлмаса, тарафлар судга муружаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

#### 5. Алоҳида шартлар

22. Буюртмачи Шартномани қабул қилиш ҳамда бажариш учун зарур бўлган барча ҳуқуқ ва ваколатларга эга.

23. Инспекция ушбу Шартноманинг исталган шартларини ўзгартириш ёки тўлдириш ҳуқуқини ўз веб-сайтида барча ўзгаришларни эълон қилиш орқали сақлаб қолади.

Шартнома тўлов амалга оширилган кундан бошлаб 31.12.2022 гача амал қилади.

24. Ушбу Шартномада назарда тутилмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги меъёрлари асосида тартибга солинади.

#### ИНСПЕКЦИЯНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:

Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси  
Навоий вилояти

Навоий шаҳ ар Имом Ал-Бухорий кўчаси 201-уй

Тел.: 79 220-73-92

Х/Р: 400121860124017042103061001

ИНН:200005991 ОКЭД: 84130

ЎзР МВ Ғазначилиги

Ғаз/шартн : 23402000300100001010

ЎзР. Марказий Банкнинг Ғисоб-китоб маркази

МФО: 00014 ИНН: 201 122 919



*Handwritten signatures and stamps.*  
Мен: Собиров У.Д 11.8.22

*Handwritten signature and date.*  
25.01.22